

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК
КУТУБХОНАЛАРИ**

Методик маълумотнома

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2004

78.34 (5 У)
Ў 43

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: О.Қиличбоев
Муҳаррир: Ҳ.Маматраимова

Мазкур методик қўлланмада Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари (қўлланмага киритилган кутубхоналар рўйхати мундарижада берилган) тўғрисида маълумотлар берилган. Қўлланмага кутубхоналарнинг тўлиқ номи, манзили, электрон почта манзили, веб-сайти, кутубхона раҳбарининг исми шарифи, телефон рақами, шунингдек, кутубхоналарнинг қисқача тарихи, бугунги кундаги фаолияти, илғор иш тажрибалари ва бошқа маълумотлар киритилган.

Қўлланмадан кутубхона ходимлари ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

№ 454-2004

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2004 й.**

Тузувчидан

Мамлакатимизда маданий-маърифий муассасаларнинг таркибий қисми бўлган кутубхоналарнинг тутган ўрни бекиёсдир. Чунки кутубхона–китоблар ва кишилик жамияти тарихи мажмуи, шу маънода у инсонпарвар муассасадир. Кутубхоналарда инсоният эришган барча илмлар, турли фан соҳалари бўйича китоблар тўпланган. Бугунги кунда мамлакатимизда турли вазирликлар, идора ва ташкилотларга тегишли 17 мингга яқин ана шундай кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Лекин ҳозиргача бу кутубхоналар тўғрисида янги маълумотларни берувчи тўплам–қўлланма тайёрланмаган. Бундай қўлланма китобхоналар ва қолаверса, кутубхона ходимлари учун зарур. Шунини эътиборга олиб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Илмий-методик бўлими йирик кутубхоналар ҳақида маълумотларни йиғди. Бу ишда кўпроқ оммавий, шунингдек, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатётган йирик кутубхоналарга эътибор қаратилди. Маълумотлар узок вақт давомида йиғилганлиги сабабли айрим ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Кутубхоналар томонидан берилган маълумотларнинг бир хил тартибда бўлишини таъминлаш мақсадида қисқартиришлар киритилиб, таҳрир қилинди.

Қўлланмага олий ўқув юртлари кутубхоналаридан Тошкент шаҳридаги университет кутубхоналаригина киритилди. Маълумотлар кутубхоналарнинг мақомига қараб жойлаштирилди.

Қўлланма ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз.

700047, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51 уй. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Илмий-методик бўлими. Тел. 139-44-40. **E-mail:** navoi@physic.uzsci.net

1. **Кутубхонанинг номи:** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1870
3. **Манзили:** 700047, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй
4. **Факс номери:** (371) 133-09-08
5. **E-mail:** navoi@physic.uzsci.net
6. **http:** www.natlib.uz.
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Умаров Абдусалом Одилович
8. **Телефон рақами:** (371) 139-16-58

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги № УП-3029 рақамли «Илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ва Республика илмий-техника кутубхонаси негизида ташкил қилинган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси узоқ тарихга эга (тўлиқ маълумотларни кутубхонанинг web-сайтидан олишингиз мумкин). Туркистон генерал губернатори К.П.Кауфман 1867 йил 16 августда Халқ маорифи вазирлиги, Фанлар академияси, Оммавий кутубхонага, География жамиятига, Россия Бош штабига кутубхона ташкил этишга ва китоб омборларидан дублет нусхали нашрларни бериш билан янги кутубхона асосини яратишга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди. Шу давр кутубхона тарихининг бошланиш даври эди. 1870 йил майида бўлажак Тошкент оммавий кутубхонасининг ядросини ташкил қилган 2200 дан кўпроқ жилд (200 номдаги) нашр йиғилган эди, бу оммавий кутубхонани очишга имкон берди. Ўлканинг катта билимдони ва кучли библиофил, кутубхонанинг биринчи директори Н.В.Дмитровский (1841–1910) ўзининг серғайрат фаолияти билан Тошкент оммавий кутубхонаси тарихида унинг равнақи учун муҳим роль ўйнади.

Кутубхона фаолият кўрсата бошлаган даврда китобхон-

ларнинг асосий қисмини ҳарбийлар ташкил этган.

Кутубхона Марказий Осиё минтақасидаги йирик ва қадимги китоб сақлаш масканларидан бири бўлиб, 28 номдаги турли ноанъанавий хизматларни кўрсатади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот ва маданий-маърифий муассаса бўлиб, кутубхоначилик, библиографик, илмий тадқиқот, илмий-методик ва ахборот фаолиятини олиб боради. Кутубхона фонди мазмунан универсал миллий ва хорижий матбуотнинг ноёб тўпламидир. Кутубхона фаолиятининг бош мақсади, бутун инсоният билимини акс эттирган, аввало, Ўзбекистонга ва унинг миллий манфаатларига тааллуқли ҳужжатларнинг универсал фондиди йиғиш, сақлаш ҳамда жамият фойдаланиши учун тақдим этишдир.

Ноёб ва нодир нашрлар фонди кутубхона китоб коллекциясининг фахридир, у 250 мингдан ортиқ нашрдан иборат. Уларнинг 15 мингдан ортиғи нодир китоблар ҳамда қўлёзмалардир. Кутубхонанинг ўта ноёб тўпламида Ўрта Осиёнинг 1917 йилгача бўлган тарихи, этнографияси, маданияти ва географиясига оид ўзига хос энциклопедия бўлган 594 томлик ноёб «Туркистон тўплами» ҳамда А.П.Кун тузган 4 қисмдан иборат 10 томлик 1200 ноёб фотосуратларни ўз ичига олган Туркистон ўлкаси аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одатлари тўғрисидаги «Туркистон альбоми» алоҳида ўрин эгаллайди.

Республика тарихи бўйича XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи чорагидаги ўлкашунослик мавзусидаги адабиётлар, биринчи Туркистон литографик, вақтли нашрлари, қўлёзма китоблар коллекцияси, муқаддас китоб–Қуръоннинг турли нашрлари тадқиқотчилар учун катта қизиқиш уйғотади. Кутубхонада қадимий рус китобларидан XVI аср матбаа санъати ёдгорлиги, Иван Федоров томонидан 1581 йилда Острог шаҳрида босилган «Острожская библия» китоби, 1647 йилда Москвада черков-славян шрифти билан босилган дунёвий мазмундаги «Учение и хитрость ратного строения пехотных людей»

биринчи рус китоби, Петр даври китоблари–Леонтий Магнитскийнинг «Арифметика»си (1703 йил), Буюк Петр даври «Хмочновская рукопись» ва бошқалар мавжуд. Фарбий Европа китобларининг нодир коллекциясида 1489 йилда Нюрнбергда босилган «Девятая Немецкая библия» инкунабули, Б.Эрбелонинг 1697 йилда Парижда нашр қилинган «Восточная библиотека»си мавжуд.

Буюк аждодларимиз Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоутдин Нақшбандий, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари кутубхона фондида кўз қорачиғидек сақланмоқда.

Чўлпон, Фитрат, У.Носир, Ҳамза, Ғ.Ғулом, А.Қахҳор ва бошқа ижодкорларнинг ҳаётлигида чоп этилган асарларнинг илк нашрлари, рус адиблари А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов, А.Н.Толстойларнинг асарлари бебаҳодир.

Хорижий тиллардаги адабиётлар фонди 75 дан зиёд тиллардаги ижтимоий-сиёсий, гуманитар, табиий-илмий ва техника масалаларига оид нашрлар бўлиб, бугунги кунда 350 мингдан ортиқ нусхани ташкил этади.

Кутубхонанинг Санъат бўлими ўзига хос нотали-муסיқавий асарлар тўпламини, ўзбек классик ва жаҳон муסיқаси грам-пластинка ёзувларини, 150 мингдан ортиқ тасвирий ва амалий санъат нашрларини жамлаган.

Техникага доир адабиётлар (2 млн.дан ортиқ нусхада) ҳам мазмунига кўра ўзига хос бўлиб, меъморий-техник ҳужжатлар, саноат каталоглари (қоғозда) тўплами (33700 нусхадан ортиқ)дир.

Автоматлаштириш янги ахборот технологиялари бўлими ягона автоматлашган кутубхона тизимини қўллайди ва ривожлантиради, электрон каталог ҳамда электрон маълумотлар базасини яратишда методик ёрдам беради.

Кутубхона ўз нашриёт ва босмахонасига эга бўлиб, ноширлик ҳамда матбаа фаолияти билан шуғулланади.

1988 йилдан кутубхоначилик жараёнини автоматлаштиришга, 1999 йилдан Россия Давлат Илмий техника кутубхонасининг ИРБИС автоматлаштирилган ахборот дастуридан фойдаланган ҳолда ватанимиз ва чет эл янги нашрларининг электрон каталогини яратишга киришилди. Кутубхонанинг электрон каталоги бугунги кунда 25 мингдан ортиқ янги адабиётларнинг библиографик ёзувлари ва даврий нашрларнинг аналитик ёзувларини сақлайди. Кутубхона ўз маълумотлар базасини яратмоқда ва “Curret Content”, “MicroMedex”, “Medine”, EBSCO ва маълумот базалари билан ишлаш имкониятидан унумли фойдаланмоқда.

Кутубхона 1923 йилдан бошлаб босма асарлардан мажбурий нусха ола бошлаган. 1948 йилда кутубхонага Алишер Навоий номи берилган.

Кутубхона 1956 йилдан буён халқаро китоб алмашувини амалга ошириб, унинг шериклари жаҳоннинг 24 мамлакатидан 30 дан ортиқ ташкилотлардир. Кутубхона йирик халқаро кутубхоначилик ташкилотлари: ИФЛА, ЕвроОсиё кутубхоналар Ассоциацияси, электрон кутубхоналар ва янги ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда фойдаланувчилар халқаро Ассоциациясининг аъзоси.

Кутубхона кўплаб халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитация қилинган чет мамлакатларнинг элчихоналари билан мустаҳкам ижодий алоқалар ўрнатган бўлиб, маданияти, диний қарашлари ва тарихий илдизлари турлича бўлган халқларнинг яқинлашишига ўзининг ҳиссасини кўшмоқда.

Ҳозирги кунда кутубхона фонди жаҳоннинг 75 тилларидаги деярли 10 млн. нусхага етган.

Кутубхона республикамиздаги барча кутубхоналарга кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик соҳалари бўйича методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1965
3. **Манзили:** 700000, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 47-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Бухарова Фотима Турсуновна
8. **Телефон рақами:** (371) 133-17-91, 133-25-19

Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси 1965 йилда ташкил этилган.

Кутубхона фондига китоблар билан биргаликда CD-дисклар, видео-аудио тасмалар ҳам жамланмоқда.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Кутубхона фондини тўқислаш ва каталогларни ташкил этиш, Мактабгача ёшдаги ва 1–4-синф ўқувчиларига ҳамда 5–9-синф ўқувчиларига кутубхона хизмати кўрсатиш, Илмий-методик, Ахборот ва маълумот библиография, Маънавият-маърифат ва санъат, Ахборот технологиялари бўлимлари мавжуд.

Кутубхонанинг Ахборот технологиялари бўлими қошида «Соғлом авлод» медиа марказ ташкил этилган.

Кутубхона ташаббуси билан Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи хайрия жамғармаси ташкил этилган.

Бугунги кунда кутубхона фондида 300 мингдан зиёд адабиётлар сақланмоқда.

Кутубхона Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 510 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади

1. **Кутубхонанинг номи:** Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1951
3. **Манзили:** 700152, Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси 22-квартал, 13-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Холматов Тўрабой Умарович
8. **Телефон рақами:** (371) 117-24-07, 117-24-09

Кутубхона 1951 йилда шаҳар кўзи ожизлар кутубхонаси сифатида ташкил этилган.

1966 йилда кутубхона Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасига айлантирилган. Кутубхона шу даврдан бошлаб кўриш қобилияти чекланган фуқароларга кутубхона хизматини кўрсатиш бўйича методик ва мувофиқлаштириш маркази ҳисобланади.

Кутубхона кўзи ожиз китобхонларнинг оила аъзоларига, кўзи ожизлар жамияти тизимидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарда хизмат қилувчиларга, кўз касалликлари бўйича фаолият кўрсатувчи шифокорлар, кўзи ожиз болалар, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига хизмат кўрсатади.

Кутубхона фонди Луи Брайль алифбосидаги нашрлар, магнит тасмаларига ёзилган «гапирувчи» ўрам ва кассеталар, грампластинкалар, бўртма ҳарфдаги китоблар ва вақтли нашрлардан иборат.

2001 йилдан Республика радио уйининг «Радио-РЕКОРДС» студияси томонидан кўзи ожиз китобхонлар учун «гапирувчи» китоблар чиқариш йўлга қўйилган.

Кутубхонанинг умумий фонди 148 минг нусхадан ортиқ бўлиб, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги 66 та кўзи ожизлар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1936
3. **Манзили:** 742000, Нукус шаҳри, Айимхан Шамуратова кўчаси, 86-уй
4. **Факс номери:** -----
5. **E-mail:** kklibr@online.ru, kklibr@rol.uz
6. **http:** -----
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Шарапова Инжигул Нуратдиновна
8. **Телефон рақами:** (361) 222-57-76 222-92-73

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонаси 1936 йили Тўрткул (Петро Александровск)да шаҳар кутубхонаси негизида ташкил этилган. Дастлаб кутубхона фонди 30480 нусхани ташкил этган. Шу йили кутубхона Нукус шаҳрига кўчирилган ва Республика кутубхонасига айлантирилган. 1936-41 йилларда Данияр Алламбергенов кутубхонага раҳбарлик қилган.

Кутубхонада 1941 йилдан буён 586 номдаги газета ва журналлар, шунингдек, XIX асрга оид 200 га яқин нодир адабиётлар мавжуд.

Кутубхона Китоб сақлаш, Тўқислаш ва қайта ишлаш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Илмий-методик, Библиографик маълумот бериш, Ҳуқуқий ахборот бўлимлари ҳамда Ўлкашунослик, Чет эл адабиётлари, Китоб алмашиш, Депозитар сақлаш шўъбаларидан иборат.

2003 йил апрел ойида ЎОЖИКЖ ҳомийлигида «Компьютер ўқитиш маркази» ташкил этилган. ИРБИС дастури бўйича 2000 дан ортиқ адабиётларнинг электрон каталоги тузилган.

Бугунги кунда кутубхона фондида 257 минг нусхадан ортиқ адабиётлар сақланмоқда.

Кутубхона Қорақалпоғистон Республикасидаги 443 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1962
3. **Манзили:** 742015, Нукус шаҳри, Аллаяр Дўсназаров кўчаси, 6-уй
3. **Факс номери:** ---
4. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Хўжамуратова Бахит Менглимуратовна
8. **Телефон рақами:** (361) 223-18-44

Республика болалар кутубхонаси 1962 йилда шаҳар болалар кутубхонаси негизида ташкил этилган. Лекин кутубхона тармоқлари сони 19 тага етмаганлиги туфайли Республика болалар кутубхонаси номига эга бўлмаган. Дастлаб кутубхона фонди 2 минг нусхадан иборат бўлган.

1965 йилда кутубхона тармоқлари сони кўпайгандан кейин кутубхонага Республика болалар кутубхонаси мақоми берилган. Ўша даврда кутубхона фонди 33234 нусха адабиётлардан иборат бўлган. Китобхонлар сони эса 1445 тани ташкил этган. Кутубхона ходимлари 9 кишидан иборат бўлган. Раҳбарлик вазифасини Содиқ Куйбагаров олиб борган.

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходимларидан Х. Амирова, Т. Калиев, Х. Сеитбаевалар узоқ йиллар давомида китобхонларга беминнат хизмат кўрсатганлар.

Ҳозирги кунда кутубхона Китоб сақлаш, Адабиётларга ишлов бериш ва фондни тўлдириш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Методика-библиография бўлимларидан иборат.

Бугунги кунда кутубхона фонди 119049 нусхадаги адабиётларни ташкил этади.

Кутубхона Қорақалпоғистон Республикасидаги 45 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

- 1. Кутубхонанинг номи:** З.М. Бобур номидаги Андижон вилоят универсал илмий кутубхонаси
- 2. Асос солинган йили:** 1907
- 3. Манзили:** 710002, Андижон шаҳри, Фитрат кўчаси, 232-уй
- 4. Факс номери:** --
- 5. E-mail:** bobur@uzpak.uz
- 6. http:** --
- 7. Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Каримова Ҳафиза Қўлдошевна
- 8. Телефон рақами:** (374) 222-31-06, 225-50-10, 225-51-18

Андижон вилоят универсал илмий кутубхонаси кўнгилли либерал руҳидаги фуқаро ва ҳарбийлар ёрдамида 1907 йилда ташкил этилган. Уша даврда Андижон туман кутубхона-қироатхонаси деб номланган.

Дастлаб кутубхона фонди 387 нусхадаги дунёвий адабиётлардан иборат бўлган. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам кутубхонанинг нодир фондида сақланмоқда.

1921 йилда туман кутубхона-қироатхонаси шаҳар кутубхонаси деб қайта номланган.

1940 йилда шаҳар кутубхонаси негизида вилоят универсал илмий кутубхонаси ташкил этилган. Шу даврда кутубхона фонди 83132 нусха адабиётлардан иборат бўлган.

1964 йилда 500 минг нусха адабиётларга мўлжалланган кутубхона биноси қурилиб фойдаланишга топширилган ва кутубхонага Бобур номи берилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Илмий-методик, Ахборот-библиография, Автоматлаштириш, Менежмент ва маркетинг ҳамда Хорижий адабиётлар бўлимлари мавжуд.

Бугунги кунда кутубхона фонди 550 минг нусхага яқин адабиётлардан иборат бўлиб, вилоятдаги 478 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Муҳаммад Юсуф номидаги Андижон вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1964
3. **Манзили:** 710002, Андижон шаҳри, Амир Темур кўчаси, 3-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Қўлдошев Авазбек Абдурахмонович
8. **Телефон рақами:** (374) 224-28-38, 224-26-48

Муҳаммад Юсуф номидаги Андижон вилоят болалар кутубхонаси 1964 йилда ташкил этилган. Дастлаб кутубхона фонди 7000 нусхадан иборат бўлган.

1983 йил июн ойида кутубхона учун замонавий икки қаватли бино қурилиб фойдаланишга топширилган.

Кутубхона асосан мактабгача тарбия ва 14 ёшгача бўлган болаларга ҳамда уларнинг ўқишига раҳбарлик қилувчиларга хизмат кўрсатади.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш ва адабиётларга ишлов бериш, Мактабгача тарбия ёшидаги ва 1–4-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш, 5–9-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш, Илмий-методик бўлимлари, шунингдек, Ногирон болалар ўқув ахборот маркази ҳамда Кўргазма зали, Тадбирлар зали, Санъат зали ва қироатхона мавжуд.

Ҳозирги кунда кутубхона фонди 106 минг нусхадан ортиқ бўлиб, вилоятдаги 66 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги қарорига асосан кутубхонага Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номи берилган.

1. **Кутубхонанинг номи:** Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1921
3. **Манзили:** 705018, Бухоро шаҳри, академик Иброҳим Мўминов кўчаси, 16-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** bslib@intal.uz
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Самадова Мамлакат Бахшиллаевна
8. **Телефон рақами:** (365) 223-22-23, 223-84-64

1921 йил 30 июнда Бухоро шаҳрида шаҳар кутубхонаси эшиклари очилган. Унинг ташаббускори маориф нозири Мусожон Саиджонов бўлган. Кутубхонанинг биринчи китобхони бухоролик шарқшунос олим Қори Ибод Одилов бўлган. Дастлаб кутубхона 1187 нусха китоб фонди ва 350 китобхонга эга эди.

1938 йилда Бухоро шаҳар марказий кутубхонаси вилоят кутубхонаси деб номланган ва унга Абу Али Ибн Сино номи берилган.

1971 йилда кутубхона учун махсус янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Кутубхонанинг Шарқ адабиётлари бўлимидаги нодир коллекциялар асосини Бухоронинг сўнги амири Мир Сайид Олимхоннинг манғит кутубхонаси ва амирликнинг мансабдор шахслари кутубхоналарида тўпланган китоблар ташкил этади.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Шаҳар абонементи, Илмий-методик, Ахборот-библиография, Газета ва журналлар, Шарқ адабиётлари, Ўсмирлар абонементи бўлимлари, Ўлкашунослик шўъбаси ва Оилавий қироатхона мавжуд.

Ҳозирда кутубхона фонди 239066 нусха бўлиб, вилоятдаги 450 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Наршахий номидаги Бухоро вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1964
3. **Манзили:** 705000, Бухоро шаҳри, Х. Ибодов кўчаси, 4-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ----
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Мухторова Ҳайратгул Каримжоновна
8. **Телефон рақами:** (365) 224-22-23, 224-38-26

Бухоро вилоят болалар кутубхонаси вилоят универсал илмий кутубхонасининг болалар бўлими негизида 1964 йил 1 июлда ташкил этилган. Дастлаб кутубхона фонди 13 минг нусхадан иборат бўлиб, 15 нафар кутубхоначи ходимлар иш олиб борарди. Шу даврда кутубхонага А.В.Самохина раҳбар эди.

1970 йилда кутубхона Амир Сайид Олимхон мадрасаси биносига кўчирилган.

1973 йилда кутубхона вилоят Меҳнат шухрати китобига киритилган. Кутубхона қошидаги киностудиянинг «Сахий китоб подшолигида» кинофильми учун фахрий ёрлик совриндори ва Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг «Табиат болалар хаёлида» номли кўргазмаси дипломи ва Ўзбекистон халқ хўжалиги кўргазмасининг II даражали дипломига сазовор бўлган.

Ҳозирги пайтда кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, 1–4-синф ўқувчилари, 5–6-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш, Адабиётларга ишлов бериш, Методик, Маълумот–библиография бўлимлари ва Мусиқа-нота шўъбаси мавжуд.

1993 йил 25 январда кутубхонага буюк тарихчи олим М.Наршахий номи берилган.

Кутубхона фонди ҳозирги кунда 138 минг нусхадан ортиқ бўлиб, вилоятдаги 25 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1974
3. **Манзили:** 708014, Жиззах шаҳри, Х. Носиров кўчаси, 12-уй
4. **Факс номери:** (372) 226-56-94
5. **E-mail:** bibjiz@online.ru
6. **http:** ----
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Ибрагимов Сайфулла Саъдуллаевич
8. **Телефон рақами:** (372) 226-56-94, 226-49-04

Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят универсал илмий кутубхонаси 1973 йилнинг декабр ойида Жиззах шаҳар марказий кутубхонасининг иккинчи тармоқ кутубхонаси негизида ташкил этилган бўлиб, 1974 йилнинг 2 сентябрида иш бошлаган. Ўша даврда кутубхона Жиззах вилоят оммавий кутубхонаси деб номланган.

Дастлаб кутубхона фонди 12 минг 200 нусхадаги адабиёт лардан иборат бўлган.

1993 йилда кутубхонага Шароф Рашидов номи берилган.

Ҳозирги кунда кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш ва каталоглаштириш, Китобхоналарга хизмат кўрсатиш, Оилавий ўқиш, Илмий методик, Маълумот-библиография бўлимлари ва Маънавият, Санъат ва Қишлоқ хўжалиги шўъбалари фаолият кўрсатмоқда.

2001 йилдан кутубхона қошида Ҳуқуқий ахборот маркази фаолият бошлаган. Марказда ҳуқуқшунос ва менежер вилоят аҳолисига юридик маслаҳатлар бериб келмоқда.

Кутубхона фондида ҳозирги кунда 94.4 минг нусхадан ортиқ адабиётлар сақланмоқда.

Кутубхона вилоятдаги 264 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1992
3. **Манзили:** 706800, Навоий шаҳри, Гусева кўчаси, 2-уй
4. **Факс номери:** (436) 223-24-93
5. **E-mail:** akodiri @ online.ru
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Ҳамроев Ихтиёр Бобоқулович
8. **Телефон рақами:** (436) 223-24-93 223-29-23

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят универсал илмий кутубхонаси Навоий вилоят ҳокимининг 1992 йил 27 майдаги ПХ-05/70 сонли «Вилоят бирлашган кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, 1992 йил июн ойида вилоят болалар кутубхонаси билан бирлаштирилган ҳолда ташкил этилган.

Дастлаб кутубхона фонди 271495 нусхадан иборат бўлган. Ўша даврда кутубхонага Галина Ковилина раҳбарлик қилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш ва адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Илмий методик, Библиография, Маъмурий ва хўжалик бўлимлари мавжуд.

2001 йилда вилоят бирлашган кутубхонаси таркибидан вилоят болалар кутубхонаси ажратилиб алоҳида ташкил этилган. 2001 йил апрел ойидан бошлаб вилоят кутубхонаси қошида Ҳуқуқий ахборот маркази ўз фаолиятини бошлади.

Кутубхонада ҳозирги кунда 203289 нусхадаги адабиётлар сақланади.

Кутубхона вилоятдаги 252 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Навоий вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 2001
3. **Манзили:** 706810, Кармана шахри, Мустақиллик кўчаси, 2-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ----
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Турсунова Зебо Ахтамовна
8. **Телефон рақами:** (436) 253-23-89, 222-13-25

Навоий вилоят ҳокимлигининг Қ-328 сонли «Вилоят болалар кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан 2001 йил декабр ойида ташкил этилган.

Дастлаб кутубхона фонди 14640 нусхадаги адабиётлардан иборат бўлган. Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш ва адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Илмий-методик, Маъмурий ва хўжалик бўлимлари мавжуд.

Кутубхонада расм чизиш, бичиш-тикиш, математика тўғарақлари ташкил этилган. Шунингдек, китобхон болаларни кутубхонага янада кўпроқ жалб этиш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Йилнинг энг яхши китоблари» номли кўргазма, «Биз–билимдон бўламиз» ўйин машғулоти, «Китобим–офтобим менинг» викториналар, «Кутубхона–зиё маскани» номида экскурсиялар ва бошқа тадбирлар уюштирилиб турилади.

Вилоят миқёсида эса ҳар йили болаларнинг баҳорги таътил кунларида «Болалар китоблари» куни ўтказилади.

Кутубхонанинг ҳозирги кундаги фонди 339952 нусхадаги адабиётлардан иборат.

Кутубхона вилоятдаги 13 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Нодира номидаги Наманган вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1918
3. **Манзили:** 716000, Наманган шаҳри, Н.Намангоний кўчаси, 24-уй
4. **Факс номери:** (369) 226-17-87
5. **E-mail:** namlib@uzpak.uz, namlib@intal.uz
6. **http:** www.namlib.narod.ru
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Жўрабоева Мавлуда Газиджановна
8. **Телефон рақами:** (369) 226-48-32, 223-08-20

Нодира номидаги Наманган вилоят универсал илмий кутубхонаси 1918 йилда Наманган шаҳрида пахта заводи қошида 540 нусха китоб фонди билан иш фаолиятини бошлаган. 1929 йилга келиб собиқ Дзержинский кўчасидаги бинога кўчиб ўтган. 1941 йилда кутубхона вилоят кутубхонасига айлантирилган. 1980 йилда кутубхона учун 500 минг нусха китоб фондига мўлжалланган махсус 4 каватли бино қурилиб фойдаланишга топширилган ва шаҳар ижроия кўмитасининг қарорига биноан кутубхонага шоира Нодирабегим номи берилган.

Кутубхонада XVII–XVIII асрларда нашр қилинган китоблар, 1940 йилдан буён чиқарилган газета ва журналлар сақланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда кутубхонада 9 та бўлим, яъни, Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Бадиий ва санъатга оид янги адабиётлар, Иқтисодиёт, Техника, Қишлоқ хўжалиги, Тиббиёт бўйича адабиётлар, Илмий-методик, Матбуот нашрлари, Ахборот-библиография ва Ҳуқуқий ахборот маркази мавжуд.

Ҳозирги кунда кутубхона фондида 484519 нусхадан ортиқ адабиётлар сақланади. Кутубхона вилоятдаги 408 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Наманган вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1933
3. **Манзили:** 716000, Наманган шаҳри, Лутфий кўчаси, 1-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Жакбаров Йўлдошали
8. **Телефон рақами:** (369) 226-29-35

Наманган вилоят болалар кутубхонаси 1933 йилнинг 3 декабрида ташкил этилган. Кутубхонанинг ташкилотчиси ва мудир А.С.Никоченко бўлган.

Дастлаб кутубхона фонди 300 нусхадан иборат бўлган.

1945 йилгача кутубхона собиқ пионерлар уйига қарашли бўлган.

1946 йилда Наманган шаҳар ижроия кўмитаси қошида маданий-оқартув бўлими ташкил этилган ва кутубхона маданият бўлимига ўтказилган.

1969 йилнинг феврал ойида кутубхонага вилоят болалар кутубхонаси мақоми берилган. Т.Чичкина кутубхонага раҳбар этиб тайинланган.

1983 йилда кутубхона учун 2 қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Кутубхона фондини тўлдириш, Адабиётларга ишлов бериш ва каталоглаштириш, Мактабгача ёшдаги ва 1–4-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш, 5–9-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш, Илмий-методик, Ахборот-библиография бўлимлари мавжуд.

Ҳозирги кунда кутубхона фонди 117900 нусхадан иборат.

Кутубхона вилоятдаги 27 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1911
3. **Манзили:** 703004, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 21-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** samlibuz@intal.uz; samlesesaal@intal.uz.
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Аҳмедова Шаҳодат Баҳриевна
8. **Телефон рақами:** (3662) 35-33-02

Самарқанд вилоят универсал илмий кутубхонаси 1911 йилда ташкил этилган. Ўша даврда кутубхона шаҳар кутубхонаси деб юритилган. Кутубхонанинг асосчиларидан бири археолог В.Вяткин ҳисобланади. Кутубхонанинг биринчи раҳбари В.Андреевдир. Дастлаб кутубхона фонди 2 минг нусхадан иборат бўлган.

1937 йилда кутубхонага А.С. Пушкин номи берилган.

1970 йилда 500 минг нусхадаги адабиётларга мўлжалланган бино қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Талаба ва ўқувчи ёшлар, Вақтли матбуот, Маълумот-библиография, Техника ва Қишлоқ хўжалиги адабиётлари, Ойлавий қироатхона, Санъат, Хорижий адабиётлар, Илмий методик, Каталог ва картотекалар, Ўлкашуносликка доир адабиётлар бўлимлари ва Ҳуқуқий ахборот маркази мавжуд.

2002 йил 30 октябрда Гете институти Интер Национес кўмагида кутубхонада немис қироатхонаси очилган.

Бугунги кунда кутубхона фондида 630 минг нусхадаги адабиётлардан иборат.

Кутубхона вилоятдаги 739 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Абу Райхон Беруний номидаги Самарқанд вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1953
3. **Манзили:** 703005, Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 62-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Нарзикулова Сарвара Насимовна
8. **Телефон рақами** (3662) 35-17-81

Самарқанд вилоят болалар кутубхонаси 1953 йилда 1-сонли шаҳар кутубхонаси негизида ташкил этилган. Кутубхона биноси собиқ вилоят пионерлар саройида жойлашган эди.

Дастлаб кутубхона фонди 15 минг нусхадан иборат бўлган.

1970 йилда вилоят болалар кутубхонаси Пушкин номидаги вилоят универсал илмий кутубхонасининг олдинги жойлашган биносига кўчирилган ва шу йили кутубхонага Абу Райхон Беруний номи берилган.

Кутубхона Китоб сақлаш, Адабиётларга ишлов бериш ва тўқислаш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Нафосат, Маълумот-библиография, Илмий-методик бўлимларидан иборат. Кутубхона вилоятдаги болалар уйлари ва мактаб-интернатларига кутубхона хизматини кўрсатиш учун уларни оталиққа олган. Кутубхонада ўзбек ва рус тилларини ўрганиш бўйича курслар ташкил этилган.

Ҳозирги кунда кутубхона фондида 153 минг нусхадан ортиқ адабиётлар сақланмоқда.

Кутубхона вилоятдаги 38 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1964
3. **Манзили:** 707000, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси
4. **Факс номери:** (367) 225-08-30
5. **E-mail:** guliya-mail@yandex.ru.
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Бойматов Алижон Азимжонович
8. **Телефон рақами** (367) 225-48-65

Сирдарё вилоят универсал илмий кутубхонаси 1964 йилнинг сентябр ойида Гулистон тумани Некрасов номли кутубхона негизида ташкил этилган.

Дастлаб кутубхона фонди 21 минг нусхадан иборат бўлган.

1987 йилнинг 5 ноябрида 400 минг нусха китобга мўлжалланган замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилган. Кутубхонага эса Алишер Навоий номи берилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш ва каталоглаштириш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Илмий-методик, Библиография, Ўсмирлар бўлимлари ва Шаҳар абонементи, Санъат ва мусиқа-нота адабиётлари, Қишлоқ хўжалиги, Техника адабиётлари шўъбалари мавжуд.

Китобхонларга Умумий ўқув қироатхонаси, Вақтли нашрлар қироатхонаси ва Миллий адабиётлар қироатхонасида хизмат кўрсатилади.

Ҳозирги кунда кутубхонада 200 минг нусхадан ортиқ адабиётлар сақланади.

Кутубхона вилоятдаги 197 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Сирдарё вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1967
3. **Манзили:** 707000, Гулистон шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Мирзаев Хушнуд Тошмирзаевич
8. **Телефон рақами:** (367) 225-17-09

Сирдарё вилоят болалар кутубхонаси 1967 йилда ташкил этилган.

Кутубхонада китобхон болаларни кутубхонага янада кўпроқ жалб этиш ва уларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Китоб ҳафталиги» ўтказиш анъанага айланган. Таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, «Ёш қаламкашлар», «Расм чизиш», «Ёш шоирлар», «Энг яхши китобхон» кўрик-танловлари тез-тез ўтказилиб турилади.

Ҳозирги кунда кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Методик-библиографик бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Тармоқ кутубхоналарига методик ёрдам сифатида кутубхонада ҳар ойнинг биринчи чоршанба куни «Кутубхоначига ёрдам куни» деб белгиланган. Шу куни вилоят болалар кутубхонаси ходимларидан қизиқтирган саволларга жавоб ва кутубхона хизмати бўйича керакли методик ёрдамлар олиш мумкин.

Кутубхона фонди ҳозирги кунда 107779 нусхадаги адабиётларни ташкил этади.

Кутубхона вилоятдаги 18 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1936
3. **Манзили:** 732006, Термиз шаҳри, Н.Хўжаев кўчаси, 7-уй
4. **Факс номери:** (376) 223-10-92
5. **E-mail:** bib 122@uzpak. ru
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Холиёров Шайдил Абраевич
8. **Телефон рақами:** (376) 223-10-92

Сурхондарё вилоят универсал илмий кутубхонаси 1936 йилда ташкил этилган. Ўша даврда шаҳар кутубхонаси номи билан юритилган. Дастлаб кутубхона фонди 20 минг нусхадан иборат эди. Мария Павловна Кобякова кутубхонанинг биринчи раҳбари бўлган.

Вилоят ижроия кўмитасининг 1942 йил 1 январдаги буйруғи билан шаҳар кутубхонаси негизида вилоят кутубхонаси ташкил қилинган. Шу даврда кутубхона фонди 40 минг нусхага яқин бўлиб, 5 та кутубхоначи ходим иш олиб борарди.

1948 йилда вилоят кутубхонасининг ташаббуси билан туман кутубхоналарида сиртқи абонемент очилган.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия кўмитасининг 1991 йил 22 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан кутубхонага Адиб Собир Термизий номи берилган.

Ҳозирги кунда кутубхонада Китоб сақлаш, Адабиётларга ишлов бериш ва жамлаш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Методик, Библиография бўлимлари мавжуд.

Кутубхонада 233757 нусхадан ортиқ адабиётлар сақланади.

Кутубхона вилоятдаги 412 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Ғофур Ғулом номидаги Сурхондарё вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1965
3. **Манзили:** 32012, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 9-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Тўрақулов Ҳамид Ўролович
8. **Телефон рақами:** (376) 222-75-54

Сурхондарё вилоят болалар кутубхонаси 1965 йилда Термиз шаҳар болалар кутубхонаси негизида ташкил этилган. Кутубхона дастлаб собиқ «Октябр 40 йиллиги» (ҳозирги қўғирчоқ театри), сўнгра шаҳар пионерлар уйи биноларида фаолият кўрсатган.

Дастлаб кутубхона фонди 9472 нусхадаги адабиётлардан иборат бўлган. Мария Максимовна Василенко кутубхонага раҳбарлик қилган.

1972 йилда кутубхона учун махсус бино қурилиб, фойдаланишга топширилган ва кутубхонага вилоят болалар кутубхонаси мақоми берилган.

1991 йилда кутубхонага Ғофур Ғулом номи берилган.

Ҳозирги кунда кутубхонада Китоб сақлаш, Кутубхона фондини тўлдириш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхоналарга хизмат кўрсатиш, Методик-библиография, Маъмурий-хўжалик бўлимлари иш олиб бормоқда.

Кутубхона фондида ҳозирги кунда 147842 нусхадаги адабиётлар сақланмоқда.

Кутубхона вилоятдаги 20 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

- 1. Кутубхонанинг номи:** «Турон» Тошкент вилоят универсал илмий кутубхонаси
- 2. Асос солинган йили:** 1918
- 3. Манзили:** 700002, Тошкент шаҳри, Маҳсидўзлик кўчаси, 25-уй
- 3. Факс номери:** ---
- 4. E-mail:** turon@physic.uzsci.net
- 5. http:** ---
- 7. Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Собирова Вазира Толиповна
- 8. Телефон рақами:** (3712) 245-91-77 45-13-54

«Турон» Тошкент вилоят универсал илмий кутубхонаси 1913 йилда тошкентлик маърифатпарвар жадидларнинг шу номдаги жамияти вакиллари ташаббуси билан ташкил этилган. У 1918 йилда мустақил оммавий кутубхона сифатида қайта ташкил этилди.

Шу даврдан бошлаб кироатхонада жадидларнинг маърифатпарварлик кеча ва учрашувлари, жонли мусиқа ва шеърий назмларнинг таралиши билан машхур бўлган.

Дастлаб кутубхона фонди 4 минг нусхадан иборат бўлган.

Кутубхонада 1918 йилдан буён нашр қилинган газеталар фонди сақланади.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Алмашув фонди, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Илмий-методик, Маълумот-библиография, Ахборот ва замонавий технологиялар бўлимлари мавжуд.

Кутубхона фондидаги 60 минг нусха ўзбек тилидаги адабиётларнинг электрон каталоги, шунингдек, «Турон дурдоналари» номли сайт ҳам тузилган. Кутубхонанинг бугунги кундаги фонди 370 минг нусхадан ортиқ бўлиб, вилоятдаги 500 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Тошкент шаҳар «Билим» марказий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1937
3. **Манзили:** 700134, Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси. Қатортол кўчаси, квартал «Ц», 12-14 уйлар
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Юнусова Феруза Анваровна
8. **Телефон рақами:** (3712) 76-66-79

Тошкент шаҳар «Билим» марказий кутубхонаси 1937 йилда Бобур номли (собик Киров) маданият ва истироҳат боғи худудидаги собик Туркистон генерал губернатори биносида ташкил этилган.

1977 йилда Яккасарой ва Сирғали туманларидаги 10 та оммавий кутубхоналар бирлаштирилиб, «Билим» шаҳар марказий кутубхонаси тизимига айлантирилди.

1994 йилда Тошкент шаҳар оммавий кутубхоналарини қайта ташкил қилиш муносабати билан ҳар бир туманда болалар ва катталарга хизмат кўрсатувчи марказий кутубхоналар ташкил этилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш ва адабиётларга ишлов бериш, Ахборот ва китобхонларга хизмат кўрсатиш, Ташкилий методик, Кутубхона маркетинги ва рекламаси, Кутубхоналараро абонемент, Ахборот-библиография бўлимлари мавжуд.

Кутубхонанинг китоб фонди бугунги кунда 119526 нусхани ташкил этади.

Кутубхона Тошкент шаҳридаги 105 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1899
3. **Манзили:** 712000, Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 31-а уй
4. **Факс номери:** (373) 224-56-05
5. **E-mail:** abfravo@mail.ru
6. **http:** www.libraru/davr.net
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Шукурова Дилором Шерматовна
8. **Телефон рақами:** (373) 224-58-89

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят универсал илмий кутубхонаси 1899 йил ташкил этилган бўлиб, халқ музейи бўлими ҳуқуқида очилган ва унга Янги Марғилон шаҳар кутубхонаси деб ном берилган. Шу даврда кутубхона фонди 853 нусхадаги китоблардан иборат бўлган.

1939 йилда шаҳар кутубхонаси негизида вилоят кутубхонаси ташкил этилган.

Кутубхона 1970 йилда 500 минг нусхага мўлжалланган тўрт қаватли махсус бинога кўчиб ўтди. Кутубхонада 6 та ихтисослаштирилган қироатхона, мажлислар зали, Китоб сақлаш, Тўқислаш ва адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Шаҳар абонементи, Библиография, Методика, Ўсмирлар, Санъат бўлимлари ва Ўлкашунослик шўъбаси мавжуд. Шу йили кутубхонага Аҳмад ал-Фарғоний номи берилган.

Нодир адабиётлар бўлимида Скобелев аёллар гимназияси кутубхонасининг китоблари ва XVIII асрга оид қимматбаҳо китоблар сақланмоқда.

Ҳозирги кунда кутубхона фондида 306533 нусхадаги адабиётлар, газета ва журналлар сақланмоқда.

Кутубхона вилоятдаги 592 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Фарғона вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1966
3. **Манзили:** 712000, Фарғона шаҳри, Турсин Қамбаров кўчаси, 37-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Нуриддинова Фазилат Тўхтасиновна
8. **Телефон рақами:** (373) 224-36-59, 224-85-79

Фарғона вилоят болалар кутубхонаси ташкил этилган даврда вилоят универсал илмий кутубхонаси билан бир бинода жойлашган эди. 1970 йилда кутубхона учун махсус бино қурилиб фойдаланишга топширилган. Ўша даврда кутубхонада 3 та бўлим фаолият кўрсатган.

Ҳозирги кунда кутубхонада 7 та бўлим, яъни Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, 1–4-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш, 5–9-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш, Методик, Маълумот-библиография бўлимлари мавжуд.

Кутубхонада ҳар йили апрел ойида «Библиографик библиографик тарғиб қилиш ойлиги»ни ўтказиш анъанага айланган. Унда «Нима?, Қачон?, Қаерда?» мавзусида библиографик ўйинлар, «Китоб бўйлаб саёҳат», «Энциклопедиялар, луғатлар, справочниклар» каби амалий машғулотлар, кутубхона дарслари, кўргазмалар уюштириб турилади.

Ҳар йили вилоятда ўқувчиларнинг баҳорги таътил кунларида анъанавий «Болалар китоблари фестивали» ўтказилади.

Ҳозирда кутубхона фондида 553654 нусхадан ортиқ адабиётлар сақланмоқда.

Кутубхона вилоятдаги 46 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Қурбон ота Исмоилов номидаги Хоразм вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1934
3. **Манзили:** 740000, Урганч шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-б уй
4. **Факс номери:** (362) 226-96-93
5. **E-mail:** gulistan@rambler.ru
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Каландарова Гулистон Саъдуллаевна
8. **Телефон рақами:** (362) 226-99-35, 226-96-93, 226-62-13

Қурбон ота Исмоилов номидаги Хоразм вилоят универсал илмий кутубхонаси Урганч шаҳри халқ таълими бўлими қошида 1934 йил ноябр ойида ўлка кутубхонаси сифатида ташкил этилган. Дастлаб кутубхона фонди 5838 нусхадаги адабиётлардан иборат бўлган.

1986 йилда кутубхона учун махсус янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Ҳозирги кунда кутубхонада Китоб сақлаш, Кутубхона фондини тўлдириш, Китобларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Ўсмир ёшдаги китобхонлар, Илмий-методик, Маълумот-библиография, Санъатшуносликка оид адабиётлар, Қишлоқ хўжалиги ва Техника адабиётлари бўлимлари, Хорижий тиллардаги тиббиётга оид адабиётлар қироатхонаси, шунингдек, Хуқуқий ахборот маркази фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят ҳокимининг «Нодир қўлёзма адабиётларни йиғиш ва уни умумхалқ мулкига айлантириш ҳақида»ги қарори асосида Нодир адабиётлар бўлими фаолият кўрсата бошлаган.

Бугунги кунда кутубхона фонди 496 минг нусхадан ортиқ адабиётларни ташкил қилади.

Кутубхона вилоятдаги 414 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Хоразм вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1965
3. **Манзили:** 740007, Урганч шаҳри, Абулғози Баҳодирхон кўчаси, 43- уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Раҳманова Назира Саидовна
8. **Телефон рақами:** (362) 226-66-47

Хоразм вилоят болалар кутубхонаси 1965 йилда ташкил этилган. Кутубхона собиқ «Октябр» кинотеатри биносида жойлашган бўлиб, 8 та ходим иш олиб борган.

Кутубхонага Тамара Тимофеевна Андреева раҳбарлик қилган.

Дастлаб кутубхона фонди 17548 нусхадан иборат бўлган. Ўша даврда Р.Қурбонова, Ш.Сапаров, М.Ямашевалар ишлаганлар.

Ҳозирги кунда кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Кичик ёшдаги болаларга хизмат кўрсатиш, Илмий-методик, Маълумот-библиография, Эстетика бўлимлари китобхонларга хизмат кўрсатмоқда.

Кутубхонада китобхон болажонларга янада самарали хизмат кўрсатиш мақсадида қўғирчоқ театри ташкил қилинган.

Катта ёшдаги болаларга хизмат кўрсатиш бўлимида «Адабиётшунослик меҳмонхонаси» ташкил этилган. Шунингдек, «Ёш каламкашлар», «Ёш мухбирлар» қизиқувчилар клублари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда кутубхона фондида 140540 нусхадаги адабиётлар йиғилган.

Кутубхона вилоятдаги 27 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Сайидо Насафий номидаги Қашқадарё вилоят универсал илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1943
3. **Манзили:** 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 23-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** library@uzpak.uz
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Дўсёрова Клара Нормўминовна
8. **Телефон рақами:** (375) 227-58-30, 227-60-71

Сайидо Насафий номидаги Қашқадарё вилоят универсал илмий кутубхонаси 1943 йилда ташкил этилган. Дастлаб кутубхона фонди 9 минг нусха адабиётлардан иборат бўлган.

1980 йили 500 минг нусха китобга мўлжалланган янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Техника, Қишлоқ хўжалиги адабиётлари, Ўсмирлар, Хорижий адабиётлар, Ахборот (Интернет), Вақтли матбуот нашрлари, Илмий-методик, Маълумот-библиография, Шаҳар абонементи бўлимлари мавжуд.

2003 йилда кутубхона 5 млн. сўмлик янги адабиётлар, 30 та компьютар, китоб жавонлари билан таъминланган.

Кутубхона қошида «Президент асарларини ўрганиш», «Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб этиш», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» марказлари ташкил этилган.

2003 йилдан «Иқтидорли ёшлар» клуби фаолият бошлаган. Бугунги кунда кутубхона фонди 368486 нусхадан ортиқ адабиётлардан иборат бўлиб, вилоятдаги 461 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Қашқадарё вилоят болалар кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1953
3. **Манзили:** 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 299-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Файзиев Бахтиёр Бобоёрович
8. **Телефон рақами:** (375) 225-23-46

Қашқадарё вилоят болалар кутубхонаси 1953 йилда ташкил этилган. Ўша даврда шаҳар марказий кутубхонаси деб юритилган.

Дастлаб кутубхона фонди 3300 нусхадан иборат бўлган. Кутубхонага эса З.Приорова раҳбарлик қилган.

1962 йилда шаҳар марказий кутубхонаси вилоят болалар кутубхонасига айлантирилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш ва адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Абонемент, Маълумот-библиография, Илмий-методик, Мусиқа ва санъат бўлимлари фаолият кўрсатади.

Мусиқа ва санъат бўлимида китобхон болалар учун оммавий тадбирлар, расм чизиш мусобақалари, санъаткор ва мусаввирлар билан учрашувлар, овозли ўқишлар мунтазам ўтказилиб турилади. Шунингдек, бўлим қошида «Моҳир кўллар» тўғараги ҳам ташкил этилган.

Ҳозирги кунда кутубхона фондида 186209 нусхадан ортик адабиётлар сақланади.

Кутубхона вилоятдаги 40 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1933
3. **Манзили:** 700170, Тошкент шаҳри, Иброҳим Мўминов кўчаси, 13-уй
4. **Факс номери:** 162-74-58
5. **E-mail:** acadlib@physic.uzsci.net
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Кодиров Бахтиёр Набиевич
8. **Телефон рақами:** (371) 162-74-08, 162-74-56

Кутубхона 1933 йилда ташкил этилган. Дастлаб кутубхона фонди 39 минг 422 нусхадан иборат бўлган.

1943 йил Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилгандан кейин қатор илмий-текшириш институтлари очилган ва кутубхона Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси деб номланган.

1980 йилда кутубхона ЮНЕСКО нашр этган асарларнинг Ўзбекистондаги депозитарияси сифатида дунё кутубхона каталогларига киритилган.

1983 йилда кутубхона учун бино қурилиб, фойдаланишга топширилган.

2001 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб ўқув марказига эга бўлган автоматлаштирилган кутубхона модели ташкил этилган.

Кутубхона чет эл давлатларидаги 147 та ҳамкорлари билан адабиётлар алмашади.

Ҳозирги кунда кутубхона фонди 3028221 нусха адабиётларни ташкил этади.

Кутубхона Фанлар академияси тизимидаги 28 та кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1929
3. **Манзили:** 700097, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 28-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Низямова Моҳинур Аблахатовна
8. **Телефон рақами:** (3712) 76-83-25

Кутубхона 1929 йил декабрда Бош пахтачилик қўмитаси ва Тупроқшунослик институти ҳамда геоботаника (собик Ўрта Осиё давлат университети) кутубхоналари базасида Пахтачилик илмий текшириш институти кутубхонаси сифатида ташкил этилган. Ўша даврларда кутубхона Марказий маълумот кутубхонаси деб юритилган. Дастлаб кутубхона фонди 7 минг нусхадан иборат бўлган.

1960 йилда Қишлоқ хўжалиги Фанлар академияси кутубхонаси билан бирлаштирилиб, Қишлоқ хўжалиги марказий илмий кутубхонаси номи билан юритилган.

Кутубхона фондида пахтачилик ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар, пахтачилик тарихига оид илмий асарлар, шунингдек, тупроқшунослик ва агрокимё, пахтачилик, ирригация ва мелиорация тарихи ҳақидаги китоблар сақланади.

Кутубхона қишлоқ хўжалигига оид библиографик ва рефератив нашрларга эга.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Ахборот-библиография ва нашриёт бўлимлари мавжуд.

Кутубхона фонди 540263 нусхадан ортиқ адабиётлардан иборат бўлиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1935
3. **Манзили:** 700015, Тошкент шаҳри, Йўлдош Охунбобоев кўчаси, 30-уй
4. **Факс номери:** 133-83-67
5. **E-mail:** irctas@bcc.com.uz
6. **http:** www.bcc.com.uz/gnmb
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Болкунова Фаина Владимировна
8. **Телефон рақами:** (371) 133-38-22

Кутубхонага 1935 йилда асос солинган. Кутубхона фондида XVIII–XIX асрларга оид тиббиёт соҳасидаги нодир асарлар сақланмоқда.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш ва адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Маълумот-ахборот ва янги ахборот технологиялар, Илмий тиббиёт ахбороти, Илмий библиография бўлимлари ва Илмий тадқиқот ва Методик ишлар шўъбаси мавжуд.

Кутубхона негизида Health Prom (Буюк Британия) жамғармаси билан биргаликда ўқув маркази ташкил этилган. Марказнинг йўналиши аҳоли саломатлигининг эсда қолган нарсани тасвирлаш (тиклаш) бўйича шуғулланувчи тиббиёт ходимларига Интернет орқали ахборот олишга (ёрдам бериш) ҳамда ўқув ресурс маркази фонди (анъанавий ва ноанъанавий маълумотлар базаси)дан фойдаланишга ёрдам беришдан иборат. Хизмат кўрсатиш тартиби «савол-жавоб»дан иборат бўлиб, амалиётчи-шифокорларнинг муҳим саволларига (ташхисни аниқлаш, даволаш ва ҳ.к) буюк британиялик ҳамкасблар жавоб беришади.

Бугунги кунда кутубхона фонди 1 млн. нусхага яқин.

Кутубхона Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги 210 та кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Республика илмий педагогика кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1934
3. **Манзили:** 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** pedagogika@ars-inform.uz
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Ғаниева Доно Акмаловна
8. **Телефон рақами:** (3712) 45-61-42

Республика илмий педагогика кутубхонаси 1934 йилда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг ёрдамчи бўлимларидан бири сифатида ташкил этилган.

Кутубхона фондида XIX асрда нашр этилган 3435 нусха китоблар мавжуд. Булардан Мафрадат. Насталиқ эроний. Хусни-хатдан ўқув кўлланмаси (Тошкент, 1893; араб ёзувида), Мамсадин Сомий. Қомус ал-олам. Илмий, техникавий атамалар, тарих, жуғрофия (1889–1893, араб ёзувида) ва бошқалар. Шунингдек, педагогика ва халқ таълими бўйича чоп этилган барча журналлар жамланган. Булар устозлар ва ота-оналар учун мўлжалланган «Ўқитувчи» («Учитель») журнали, «Туркестанский учитель» (1917), «Свободное воспитание» (1907), «Министерство народного просвещения» (1889) журналларидир.

Кутубхона Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш ва каталоглар, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Илмий-методик, Илмий-библиография бўлимларидан иборат.

Ҳозирги кунда кутубхона фондида 315 минг нусхадан ортиқ адабиётлар сақланади.

Кутубхона Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 9670 та кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1918
3. **Манзили:** 700174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Асқарова Руҳабзо Расуловна
8. **Телефон рақами:** (3712) 46-67-71

Кутубхона Туркистон халқ университетининг асосий кутубхонаси сифатида 1918 йилда ташкил этилган.

Кутубхонада тожик, форс, турк, араб тилларидаги қўлёзмалар ва тошбосма асарлар коллекцияси мавжуд. Шунингдек, 1425 йилда тузилган расмий «Амир Темур тарихи», «Қуръон» тафсирига бағишланган 22 та нодир қўлёзмалар ва XV–XVII асрларга оид асарлар сақланади. Кутубхона фондининг асосий қисми ижтимоий-сиёсий, табиий-амалий фанларга оид китоблар ва бадиий адабиётлардан иборат, даврий нашрлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар фонди ҳам мавжуд.

Кутубхонада 14 та факультет кутубхонаси ҳамда 16 та қироатхона ва Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Илмий библиография, Илмий-методик ва Муқовалаш бўлимлари мавжуд.

Кутубхона Германия, Франция, Америка, Англия, Корея, Япония, Россия каби хорижий мамлакатларнинг илмий марказлари ва кутубхоналари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда кутубхона фондида 3,5 млн. нусхага яқин адабиётлар сақланади.

Илмий кутубхона республикамиздаги 65 та олий таълим муассасалари кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1933
3. **Манзили:** 700064, Тошкент шаҳри, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103-уй
4. **Факс номери:** --
5. **E-mail:** fiz.libraru.tdpu@rambler.ru
6. **http:** --
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Тўраева Дилфуза Саъдуллаевна
8. **Телефон рақами:** (3712) 55-72-45

Кутубхона тарихи университетнинг институт сифатида ташкил топиши билан боғлиқ. Кутубхона дастлаб катта бўлмаган бир хонада 3 минг нусха китоб фонди билан ташкил қилинган.

1970 йилларга келиб ўқув қироатхонаси кенгайтирилиб, илмий ходимлар учун ҳам 50 ўринли қироатхона ташкил қилинган.

Кутубхонанинг бадиий адабиётлар бўлимида XVIII асрга оид асарлар ва бошқа нодир луғатлар мавжуд.

И.И.Блаунштейн 1937 йилдан 1963 йилгача кутубхонада мудиралик қилган ва соҳа ривожига катта ҳисса қўшган шахслардан биридир.

Кутубхонада 14 та бўлим мавжуд ва 38 нафар кутубхоначи ходимлар ишлайди.

Университетнинг «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедрасида яратилган «Biblio» дастури бўйича кутубхонанинг электрон каталоги тузилмоқда.

Кутубхона фонди 885345 нусхани ташкил этади.

Кутубхона республикадаги 14 та педагогика олий ўқув юртлари ва 37 та педагогика билим юртлари кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1948
3. **Манзили:** 700138, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани квартал Г. 9 а. Собир Юсупов кўчаси, 21- а уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** ---
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Суюмова Светлана Валентиновна
8. **Телефон рақами:** (371) 75-55-61

Кутубхонага институт ташкил қилинган даврда, яъни 1948 йилда асос солинган.

1992 йилда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти ва Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти негизида Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ташкил этилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Чет эл адабиётлари бўлимлари ҳамда 6 та абонемент, 8 та қироатхона ва талабалар уйлари қошида 3 та қироатхона фаолият олиб боради.

Кутубхона фондида 2309 нусхадан зиёд нодир нашрлар сақланади.

Бугунги кунда кутубхона фондида 908333 нусхадан ортиқ адабиётлар сақланади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети асосий кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1929
3. **Манзили:** 70095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** lib@tgtu.sarkor.uz
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Балтаханова Файзинисо Баҳодировна
8. **Телефон рақами:** (3712) 46-03-41

Кутубхона 1929 йилда ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунда унинг таркибида 4 та тармоқ кутубхона, 7 та қироатхона, Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Кутубхоналараро абонемент, Маълумот-библиография, Бадий адабиётлар бўлимлари мавжуд.

Кутубхонада 46 та электрон дарслик, 50 дан ортиқ CD-ROMлар, университет ва бошқа олий ўқув юртлари ўқитувчилари томонидан ёзилган маърузалар матнининг электрон нусхалари, шунингдек, жадаллаштирилган инглиз тилини ўрганиш «Intellyest» видео курси ва «English for advanced student-TOEFL» курсидан талабаларнинг инглиз тилидан имтиҳонларга тайёрланишлари учун қулай имкониятлар яратилган.

Кутубхонада МДХ мамлакатларининг техникага оид журналлар очик фонди ва EBSCO Publishing компаниясининг инглиз ва рус тилларидаги бизнес, сиёсат, тарих, санъат, маданият, тиббиёт ва бошқа соҳаларга оид илмий журналлардаги 5000 дан ортиқ мақолаларнинг аннотацияланган библиография - си акс этирилган электрон маълумотлар базаси мавжуд.

Кутубхона фонди давлат, рус ва хорижий тилларидаги дарсликлар, илмий-техник ва бадий адабиётлардан иборат бўлиб, жами 1 млн. ортиқ нусхани ташкил этади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1992
3. **Манзили:** 700077, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 54-уй
4. **Факс номери:** (3712) 67-09-00
5. **E-mail:** library uwed@mail.ru
6. **http:** --
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Климитенко Ирина Ивановна
8. **Телефон рақами:** (3712) 67-15-48 (285)

Кутубхона ўз фаолиятини 1992 йил бошлаган. Кутубхона фонди ўзбек ва рус тилидаги адабиётлардан иборат. Талабалар диплом ишларини чет тилларида ҳимоя қилиши зарурияти билан чет тилидаги адабиётлар фонди ташкил этилган.

Немис тилидаги адабиётлар Германия элчихонаси, Халқаро китоб, Конрад Аденауэр жамғармалари, университет профессор ўқитувчилари томонидан тақдим этилган.

Инглиз тилидаги адабиётлар фонди Буюк Британия ва АҚШ элчихоналари, SABRE, PERDCA, SOROS, WORLD BANK хайрия жамғармалари ёрдами билан ташкил этилган.

1995 йилда университетга Буюк Британиялик машҳур олима Анна Шихининг архиви тақдим этилган. Кутубхонага Британника энциклопедияси олинган.

Адабиётлар кўпроқ француз тилида бўлиб, улар Франция элчихонаси томонидан тақдим этилган. Бошқа тиллардаги адабиётлар фонди ҳам шакллантирилмоқда.

1992 йилдан бошлаб кутубхонада автоматлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Қидирув тизими ўзбек, рус ва инглиз тилларида тузилган.

Ҳозирги кунда кутубхонанинг умумий фонди 200 минг нусхадан иборат.

1. **Кутубхонанинг номи:** Тошкент халқаро Westminster университети кутубхонаси -Ўқув ресурслари маркази
2. **Асос солинган йили:** 2002
3. **Манзили:** 700047, Тошкент шаҳри, Йўлдош Охунбобоев кўчаси, 12-уй
4. **Факс номери:** (371) 132-27-74
5. **E-mail:** dilfuza@wiut.uz
6. **http:** www.wiut.uz
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Салоҳиддинова Дилфуза Рустамовна
8. **Телефон рақами:** (371) 132-27-57

Кутубхона 2002 йилда 1000 нусха китоб фонди билан ташкил этилган.

Олий ўқув юрти кутубхоналаридан фарқи кутубхонада «Open Access» йўлга қўйилган, яъни китобхон адабиётларни мустақил танлаб олиши мумкин.

Адабиётлар DEWEY классификациясида жойлаштирилган. Кутубхонада «Volunteers society», яъни талабалардан иборат кўнгилчилар гуруҳи ташкил этилган ва ҳар бир талаба ўзига қулай вақтда кутубхоначиларга ёрдам беради.

Кутубхона 4 та бўлимдан иборат. 1. **Enquiry Area**—китобларни олиш, топшириш ва қизиқтирган саволларга жавоб олиш; 2. **Group Study Area**—махаллий ва хорижий газета ва журналлар жойлашган бўлиб, китобхонлар гуруҳ лойиҳалари устида ишлашлари мумкин. 3. **Quiet Stud Area**—якка китобхонлар учун мўлжалланган. 4. **Silent Study Area**—имтиҳонларга тайёрланиш учун мўлжалланган.

Адабиётлар АҚШ ва Британиянинг турли олий ўқув юртлари томонидан ҳамда республикамиздаги British Council томонидан тақдим этилган.

Ҳозирги кунда кутубхона фонди 10000 нусхага яқин адабиётларни ташкил этади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1931
3. **Манзили:** 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй
4. **Факс номери:** --
5. **E-mail:** marat@tsuc.silk.qlas.arc.org
6. **http:** [www tsue.uz](http://www.tsue.uz)
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Фаниева Шоҳида Халиловна
8. **Телефон рақами:** (3712) 45-79-96, 45-92-14

Кутубхона 1931 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Кутубхона иқтисодий адабиётлар билан ишлаш бўйича методик марказ вазифасини ҳам бажаради.

Кутубхона 3 қаватли бинода жойлашган бўлиб, 6 та махсус кироатхоналар ва Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Каталоглар, Маълумот-библиография, Илмий-иқтисодий ахборот, Чет эл адабиётлари, Кутубхона ишларини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш бўлимлари мавжуд.

Кутубхона фондига Россия, АҚШ, Англия, Олмония мамлакатларидан ҳам иқтисод ва бизнесга оид журналлар олинади.

Чет эл адабиётлари бўлимига халқаро китоб алмашуви борасида АҚШ Конгресс кутубхонасидан «East European Constitutional Review», Гамбургдан «Wirtschaftsdienst», «Manager», Женевадан «International Labor Review», Англиядан «Business week», Хемпшир шаҳридан «Ekonomic Billetin» каби журналлар олинади.

1997 йилда кутубхона «Жаҳон кутубхоначилар каталоги» га киритилган. Ҳозирги кунда кутубхона фондида 750141 нусхадаги адабиётлар сақланмоқда

1. **Кутубхонанинг номи:** Тошкент ахборот технологиялари университети кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1955
3. **Манзили:** 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 108-уй
4. **Факс номери:** --
5. **E-mail:** library@teic.uzsci.net, libadmin@teit.uz
6. **http:** www.teit.uz, www.teic.uz
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Слинко Таисия Алексеевна
8. **Телефон рақами:** (371) 135-05-42

Кутубхонага 1955 йилда асос солинган. Кутубхона фонди асосан Одесса, Ленинград, Москва электротехника алоқа институтларидан келтирилган химия, физика, математика, техника ва ижтимоий фанларга оид китоблардан иборат бўлган. Кутубхона ташкил этилганда унга Легкова Айша раҳбарлик қилган.

1956 йилда кутубхона фонди 4395 нусхани ташкил этган.

Кутубхона ташкил этилган даврдан бошлаб фонди, китобхонлар сони, китоб берилиши, янги адабиётларнинг олиниши ва бошқа кўрсаткичлар йил сайин ортиб борган. Ҳозирги кунда ягона китобхонлик билети асосида 4 ярим мингдан ортиқ китобхонларга хизмат кўрсатади. Илмий, Ўқув, Бадий, Хорижий абонементларга эга.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Ўқув адабиётлари, Сиёсий ва бадий адабиётлар, Чет эл адабиётлари, Илмий техника адабиётлари, Маълумот библиография, Электрон кутубхона бўлимлари мавжуд.

Кутубхона фондининг ўсишини ҳисобга олиб қўшимча 488 кв.м жой ажратилган ва сиёсий, иқтисодий, бадий абонементлар ҳамда янги адабиётлар қироатхонаси очилган.

Ҳозирги кунда кутубхона фонди 295 минг нусхани ташкил этади.

1. Кутубхонанинг номи: Тошкент Давлат аграр университети кутубхонаси
2. Асос солинган йили: 1930
3. Манзили: 700140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани
4. Факс номери: ---
5. E-mail: gulbahorg@mail.ru
6. http: ---
7. Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи: Ғоипова Гулбаҳор Каримовна
8. Телефон рақами: (3712) 63-96-00

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йилги 155 сонли «Узлуксиз таълим тизими-ни дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан ТошДАУнинг кутубхона фонди 2002/2003 ўқув йилида 61377 нусхада, 609 номда ўқув адабиётлар билан тўлдирилган. Кутубхона кироатхонаси таъмирланиб, у ердаги дарсликлардан очик турда фойдаланилади. 2003 йилда 56 ташкилотдан адабиётлар олинган. Мутахассисликлар бўйича МДХ да чоп этиладиган 31 номдаги журналларга обуна бўлинган. Китобхонларга ахборот библиографик ҳамда справка библиографик хизматлар кўрсатилади.

Университет қошидаги босмахонада чоп этилган маъруза матнлари, дарсликлар билан тўлдириб борилади. Талабалар маъруза матнлари билан тўлиқ таъминланганлар.

Кутубхонага 1991 йилдан буён олинган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари, монография ва методик қўлланмаларнинг электрон каталоги тузилмоқда. Магистрлар ва талабалар Интернет тармоғидан фойдаланадилар.

Кутубхонада Тўқислаш, Адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Ахборот-библиография бўлимлари мавжуд. Кутубхона фонди 1021018 нусхадаги адабиётларни ташкил этади.

1. **Кутубхонанинг номи:** Тошкент Ислом университети кутубхонаси
2. **Асос солинган йили:** 1999
3. **Манзили:** 700011, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй
4. **Факс номери:** ---
5. **E-mail:** tiukutubxona2004@rambler.ru.
6. **http:** ---
7. **Кутубхона раҳбарининг исми-шарифи:** Насритдинова Сурайё Ҳасанхоновна
8. **Телефон рақами:** (371) 144-00-56

Тошкент Ислом университети Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент Ислом университетини ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 апрель Фармонига мувофиқ ташкил этилган.

Кутубхонада Китоб сақлаш, Тўқислаш ва адабиётларга ишлов бериш, Китобхонларга хизмат кўрсатиш, Ахборот-библиография ва Интернет тизими, Адабиётларни кутубхона автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш шахобчаси ва «Электрон кутубхона» бўлимлари мавжуд.

Ахборот-библиография бўлимида китобхонларга кутубхона-библиография хизмати кўрсатиш билан биргаликда Интернет тизимидан фойдаланиш имконияти ҳам йўлга қўйилган.

Кутубхона фонди дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий адабиётлардан иборат.

Китоблар «Ўнли классификация» жадвали бўйича жойлаштирилган.

Каталоглар ўзбек, рус ва чет тилларида олиб борилади. Ҳозиргача 2010 номдаги адабиётлар ИРБИС дастури бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилган

Ҳозирги кунда кутубхона фонди 24728 нусхани ташкил этади.

Мундарижа

Тузувчидан.....	3
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.....	4
Давлат болалар кутубхонаси.....	8
Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси.....	9
Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонаси.....	10
Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кутубхонаси.....	11
Андижон вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	12
Андижон вилоят болалар кутубхонаси.....	13
Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	14
Бухоро вилоят болалар кутубхонаси.....	15
Жиззах вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	16
Навоий вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	17
Навоий вилоят болалар кутубхонаси.....	18
Наманган вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	19
Наманган вилоят болалар кутубхонаси.....	20
Самарқанд вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	21
Самарқанд вилоят болалар кутубхонаси.....	22
Сирдарё вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	23
Сирдарё вилоят болалар кутубхонаси.....	24
Сурхондарё вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	25
Сурхондарё вилоят болалар кутубхонаси.....	26
«Турон» Тошкент вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	27
Тошкент шаҳар «Билим» марказий кутубхонаси.....	28
Фарғона вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	29
Фарғона вилоят болалар кутубхонаси.....	30
Хоразм вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	31
Хоразм вилоят болалар кутубхонаси.....	32
Қашқадарё вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	33

Қашқадарё вилоят болалар кутубхонаси.....	34
Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси.....	35
Республика Қишлоқ хўжалиги илмий кутубхонаси.....	36
Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси.....	37
Республика илмий педагогика кутубхонаси.....	38
Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонаси.....	39
Тошкент Давлат педагогика университети кутубхонаси.....	40
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети кутубхонаси.....	41
Тошкент Давлат техника университети асосий кутубхонаси.....	42
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кутубхонаси.....	43
Тошкент халқаро Vestminster университети кутубхонаси.....	44
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кутубхонаси.....	45
Тошкент ахборот технологиялари университети кутубхонаси.....	46
Тошкент Давлат аграр университети кутубхонаси.....	47
Тошкент Ислом университети кутубхонаси.....	48

Ў 43 Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари: Методик
маълумотнома /Тузувчи О.Қиличбоев; Мухаррир
Ҳ.Маматраимова; Алишер Навоий ном. Ўзбекистон
Миллий к-наси.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон
Миллий к-наси нашриёти, 2004.- 52 б.
КБК 78.34 (5 У) я 2

Босишга рухсат этилди 2004 йил
Бичими 60x84 ¹/₁₆ наshr. т. 500 нусха. Буюртма № 277

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонасининг босмахонаси.
700078, Тошкент ш., Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй.